

Jalaliddin A. BORIYEV,
International Islamic Academy of Uzbekistan
Basic doctoral student.
A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: jburiyev1977@mail.ru

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2022/3/10

МУМТОЗ АСАРЛАРДАГИ ДИНИЙ МОТИВЛАРНИ ЎРГАНИШ УСЛУБЛАРИ

METHODS OF STUDYING RELIGIOUS MOTIVES IN CLASSICAL WORKS

МЕТОДЫ ИЗУЧЕНИЯ РЕЛИГИОЗНЫХ МОТИВОВ В КЛАССИЧЕСКИХ ПРОИЗВЕДЕНИЯХ

КИРИШ

Ўзбек адабиёти тарихида диний мотивларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Мумтоз асарларда қаламга олинган кўплаб мавзу у ёки бу шаклда диний мотивлар билан алоқадорликка эгадир. Бу хусусиятни айни вақтда барча жанрларда кўриш мумкин. Бунинг сабаби исломий қадриятларнинг халқ ҳаётига жуда чукур кириб боргани билан изоҳланади. Адабиёт тарихида инсон ҳаётига алоқадор масалага қаратаган ҳатто энг кичик жанрдаги шеър ёки иборада ҳам диний муносабат белгиси кузатилади. Шунга кўра адабий мумтоз меросимиздаги диний мотивларни ўрганишда аввало ислом дини, унинг манбалари, қадриятлари, анъаналари, урф-одатлари, тарихи, умуман, ислом илми ва маданиятини чукур билиш талаб этилади.

Афсуски, ўзбек адабиётшунослиги ўтган асрда мустакил фан сифатида шаклланган бўлсада, тузум тазииклари сабабли адабиётдаги диний мотивларни ўрганиш, адабиётдаги ўрнини илмий тадқиқ этишга салбий муносабатда бўлинди.

Ўтган асрдаги совет идеологияси таъсирида яратилган адабиётшунослик назарий манбалида диний мотивлар асосан диний-клерикал, диний-реакцион, феодал-клерикал, феодал-реакцион, диний-мифологик, исломий ақидапарастлик ғоялари сифатида талқин этилади. Диний мотивларни таркибан таҳлил килиш деярли четга суриб ташланади. Бу шубҳасиз, тузумнинг қатъий талаби бўлган эди ва бу барчага маълум. “Бироқ ўзбек адабиётини тарихий аспектда кўламли

ўрганиш, демакки, ўзбек адабиётшунослигида адабиёт тарихининг мустақил тармоқ сифатида шаклланиши ва ривожи XX асрга тўғри келади”.

Лекин ислом маданиятининг бирлиги ва минтақавий ўзига хосликларини, мусулмон мамлакатлари маданий-маънавий, ижтимоий-сиёсий таракқиётида мухим рол ўйнаганижтимоий онгнинг хусусиятларини етарлича англаш учун унинг бадиий адабиётида акс этган мотивларни чукур англаш ғоятда долзарб аҳамият касб этиади. Бунинг учун эса ҳозирги вақтда ўрта асрлар араб, форс ва туркий тилларига, айни вақтда ислом цивилизациясининг яратилишида асосий рол ўйнаган ушбу халқлар адабиётининг шаклланиши ва ривожланишида мухим рол ўйнаган асосий мотивларга эътибор қаратиш талаб этилади. “Бугунги кун ўтмиш меросимизга муносабатни ўзгартиришни, қатор адабий ҳодисалар, фактлар, ижодкор шахслар тақдири ва фаолиятини янгича илмий талқин қилиш заруратини кун тартибига кўяди”.

АСОСИЙ ҚИСМ

Маълумки, милодий VII аср бошларида пайғамбар Мухаммад (с.а.в.)нинг фаолияти натижасида ислом ривож топди. Ундан сўнг Қуръон жамланди. Қуръон матнини тўплаш ва таҳrir қилиш таҳминан йигирма йил давом этиди. Бу турли араб лаҗжалари хусусиятларини ўзида мужассам этган адабий араб тили билан бирга, Қуръон ва ҳадислар мазмунига асосланган адабий мотивларнинг ривожланишида энг мухим босқич бўлди (Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф, 2017). Бу ривожланишни куйидаги кетма-кетликда кўриш мумкин:

- Қуръон матни ва Мухаммад (с.а.в.)нинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги ахборотлар ҳадис матнларини ёзиш услубини янада такомиллаштиришга олиб келди;
- бу ўз навбатида каломшунослик, ҳадисшунослик ва фикхшунослик мактаблари ривожланишини таъминлайди;
- улар эса ўз навбатида филология ва бадиий адабиёт мактабларининг ривожланишига замин ҳозирлади;
- булар жамиятнинг барча қатламлари ҳаёти ва онгига чукур сингиб борди ҳамда маҳаллий халқларнинг ўз анъаналари билан қўшилиб, ягона мусулмон ахлоқини шакллантириди;

Аннотация. Диний-дидактик асарларга ислом таълимотини ўрганишида назария ва амалиётга киришишининг биргаличи босқичи сифатида қаралган. Шу сабабли улар енгил ва содда тилда, тушунарли, аниқ воқеа-ҳодисаларга асосланиб, мураккаб бўлмаган сюжетлар ва қаҳрамонларга суюниб яратилган.

Бу жиҳатдан айтиши лозимки бадиий асарлардаги диний мотивлар ўзига хос турларга бўлинади. Ҳар бир турни ўрганишининг ўзига хос методлари мавжуд бўлиб, бусиз бадиий ижод намунасининг кўзда тутилган жасият тафаккурига таъсир моҳиятини ойдинлаштириб бўлмайди.

Куръон ва ҳадисларда, айни вақтда мумтоз адабий асарларимизда инсоннинг эзгу ахлоқий фазилатлари батафсил таърифланади. Исломнинг ахлоқий жиҳати бу диннинг энг муҳим жиҳатларидан биридир. Шунга кўра адабий асарлардаги диний-ахлоқий мотивлар исломнинг барча мағкуравий тамоилилари асосида инсонни диний ва ахлоқий юксалтириши, айни вақтда ҳуқуқ ва эркинликлари чегараларини аниқлаши масаласидир.

Ислом таълимотида шариат жуда хилма-хил ҳодиса, дин, ахлоқ ва ҳуқуқнинг ўзига хос учрашув нуқтасидир. Ислом дини ҳам эътиқод, ҳам ҳаёт тарзи дейилса, бундай синтез айнан шариатда музжассамланган ва адабиёт ҳаёт тарзини тасвирлар экан, албатта унинг ҳусусиятларини эътиборда тутади. Қолаверса, шариат мусулмоннинг ҳар бир қадамини энг кичик нуқтасигача тартибга солади. Унинг моҳияти одамни ўрнатилган тартиб-интизомга бир марта бўйсундиришида эмас, балки у ёки бу вазиятга баҳо бериш ва унда ўз манфаатларини, бошиқа одамларнинг эҳтиёжларини унутмасдан, мусулмонча ҳаракат қилишига ўргатишадир. Адабиётдаги диний-ахлоқий мотивлар эса буни ҳис ва ақл билан англашига ёрдам беради.

Калит сўзлар: Куръон, аят, ҳадис, ислом, имон, адабиёт, адолат, ахлоқ, мерос, пайғамбар, мусулмон, диний мотив, қадрият

Abstract. Religious and didactic works were regarded as the primary stage of introduction to theory and practice in the study of Islamic teachings. Therefore, they are created in a light and simple language, based on understandable, clear events, relying on uncomplicated plots and characters.

In this regard, it should be said that religious motifs in artistic works are divided into specific types. Each type has its own methods of study, without which it is impossible to clarify the nature of the influence of the sample of artistic creation on the thinking of the intended society.

In the Qur'an and Hadiths, at the same time, in our classic literary works, the noble moral qualities of a person are described in detail. The moral aspect of Islam is one of the most important aspects of this religion. Accordingly, religious and moral motives in literary works are a matter of religious and moral elevation of a person based on all ideological principles of Islam, and at the same time defining the limits of rights and freedoms.

In Islamic teaching, Sharia is a very diverse phenomenon, a unique meeting point of religion, morality and law. If they say that Islam is both a faith and a way of life, such a synthesis is embodied in the Shari'ah, and when literature describes the way of life, it certainly takes into account its characteristics. In addition, Sharia regulates every step of a Muslim down to the smallest detail. Its essence is not to subject a person to the established order once, but to evaluate this or that situation and teach him to act in a Muslim manner, without forgetting his own interests and the needs of other people. Religious and moral motives in literature help to understand this with feeling and mind.

Keywords: Qur'an, verse, hadith, Islam, faith, literature, justice, ethics, heritage, prophet, Muslim, religious motive, value.

Аннотация. Религиозные и дидактические работы рассматривались как первичный этап введения в теорию и практику в изучении исламских учений. Поэтому они созданы легким и простым языком, на понятных, ясных событиях, с опорой на незамысловатые сюжеты и персонажи.

В связи с этим следует сказать, что религиозные мотивы в художественных произведениях подразделяются на специфические виды. Каждый тип имеет свои методы исследования, без которых невозможно выяснить характер влияния образца художественного творчества на мышление представляемого общества.

В Коране и хадисах, в то же время в наших классических литературных произведениях подробно описываются благородные нравственные качества человека. Моральный аспект ислама является одним из важнейших аспектов этой религии. Соответственно, религиозно-нравственные мотивы в литературных произведениях - это вопрос религиозно-нравственного возвышения человека, основанного на всех мировоззренческих принципах ислама, и в то же время определяющего пределы прав и свобод.

В исламском учении шариат представляет собой весьма многообразное явление, уникальное место встречи религии, морали и права. Если говорят, что ислам – это и вера, и образ жизни, то такой синтез воплощен в шариате, а когда литература описывает образ жизни, то обязательно учитывает его особенности. Кроме того, шариат регламентирует каждый шаг мусульмана до мелочей. Суть ее не в том, чтобы однажды подчинить человека установленному порядку, а в том, чтобы оценить ту или иную ситуацию и научить его действовать по-мусульмански, не забывая о своих интересах и нуждах других людей. Религиозно-нравственные мотивы в литературе помогают понять это чувством и разумом.

Ключевые слова: Коран, аят, хадис, ислам, вера, литература, справедливость, этика, наследие, пророк, мусульманин, религиозный мотив, ценность, нравственность.

- натижада бадиий адабиётда мазкур тарақ-қиётиңнинг барча элементларига бевосита алоқадор гојтда кенг таркибдаги диний мотивлар юзага келди.

Бу таркибда биз исломнинг энг муҳим ва асосий ғояларидан тортиб, оддий араб ёзуви элементларига йўналтирилган мотивларга дуч келишимиз мумкин (У.Қобилов, 2019). Лекин диний мотивлар тизимида Қуръон, ҳадислар, ислом ва имон шартлари доимо бўртиб қўриниб туради.

Қуръон ва ҳадисларда баён этилган диний-ахлоқий тамойиллар, матнлардаги сюжетлар нафакат мусулмон илохиёти ва ислом ҳуқуқининг ривожланишига йўналиш берди, балки турли жанрлардаги мусулмон адабиётида диний мотивларнинг ниҳоятда хилма-хил ифодаланишини ҳам юзага келтирди. Улар кўплаб мусулмон халқлари бадиий тафаккурининг машҳур сюжетларига айланди. Масалан, Юсуф алайхис-салом, Мусо, Исо пайғамбарлар ва Мұхаммад алайхиссаломнинг ҳаётлари фаолиятларига боғлиқ йирик сюжетли матнлар билан бир қаторда, бир сўз билан ифодаланган жуда кичик (ҳатто ҳарфларга оид) ишора ёки ўхшатишларни шу жумладан дейиш мумкин.

Исломни қабул этган халқларнинг араб тилини пухта эгаллаши туфайли араб луғати, айникса, диний соҳа билан боғлиқ бўлган сўзлар ушбу халқларнинг асл тилларига фаол ўзлашди. Ижтимоий тафаккурда диний, ҳуқуқий, илмий, адабий ва бошқа маданий билим ва фанларни ўзлаштиришга интилиш араб тилини билишга эҳтиёж Ўрта Осиёда аралаш тарзда яшаган туркий ва форсий халқларнинг бадиий ижоди жанрларини деярли бутунлай ўзгартирди. Аруз шеър тизими бунинг яққол далилидир. Араб бадиий маданиятига тегишли бўлган аруз туркий ва форсий адабиётда фақат услуб сифатида эмас, балки мазмуни билан ҳам қабул қилинган ва бу туркий халқлар адабиётида диний мотивларнинг ривожланишида жуда катта рол ўйнаган. Диний мотивларга тегишлилик хусусиятлари нуқтаи назаридан мустақиллик йилларида адабиётшунослигимизда қатор тадикотлар амалга оширилган (Р.Вохидов, 1994).

Шу ўринда айтиш жоизки, форс лексикасидаги деярли ҳар бир сўзнинг арабча синоними бор, баъзи ҳолларда арабча сўзларнинг форсча ўхшashi йўқ, арабизмлардан бутунлай ҳоли форсча матнни топиш деярли мумкин эмас.

Форс тили орқали туркий тилларга кўплаб арабча сўзлар ўзлашган. Форс шеърияти, араб адабиёти таъсирида туркий адабиёт эса, форс ва араб адабиёти таъсирида аруз, араб адабий шакллари, шунингдек уларда акс этган хилма-хил диний мотивларни ўзлаштирган, деб қаралади (З.Шоев, 2011).

Бироқ диний мотивлар туркий шеъриятда форс шеърияти ривожи билан деярли паралел равишда, XI асрдан, Ўрта Осиёдаги туркий халқларнинг ислом динини оммавий қабул қила бошлаши билан ўзлаштирила бошлади (Б.Валихўжаев, 1993).

Ўша давр туркийзабон адиллар орасида хикоят, достон жанрлари, жумладан маснавий шеърий жанри ҳам ривожланган бўлиб, дастлаб улар асосан фалсафий-дидактик характерда яратилган (Ибн Сино, Беруний асарларини эсланг), бироз кейинроқ, XII асрдан бошлаб эса диний ва тасаввуфий (сўфийлик) мотивлар кенг ривожлана бошлаган. Бу даврларда диний мотивларни ифодалашда машҳур бўлган хикматлар ўз асосларига кўра Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Бокирғоний ижодлари билан боғланади (Н.Маллаев, 1965), дейиш мумкин. Ҳикматлар умумислом адабиётида пайдо бўлган илк даврларида ёк илохий ва исломий муҳаббат мотивлари билан эътибор қозонган эди (И.Ҳаккулов, 1990).

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, арузда ривожланган туркий адабиётда илк даврларданоқ асар муқаддимасида ҳамдлар (тавхид ва мунојот), наътлар (васф ва меърожнома), сано, қасида, шунингдек пайғамбар ва саҳобаларга қаратилган бошқа тавсифларни келтириш анъанага айланди ва у XX асрга қадар давом этди (З.Гаффорова, 2001).

МУҲОКАМА

Тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатадики, диний мотивлар аввало диний-дидактик, диний-фалсафий, диний-ахлоқий, диний-ҳуқуқий, диний-маданий умумий гурухларга бўлинади:

Диний-дидактик мотивлар асосан диний масалалар таникли дин арблари ҳаёти ва фаолияти ҳамда энг муҳим диний қоидалар билан боғлиқ воқеа-ходисалар таълим ва тарбиясига қаратилган мотивларни ўзида умумлаштириши билан ажralиб туради. Ўтмишда саводхонликни ошириш, хусусан, мактаб таълимида диний

тарбияга алоҳида эътибор қаратилган. Бунда ислом таълимотини учинчи шахс тажрибаларидан ўрганишдек самарадор методга алоҳида аҳамият қаратилган. Диний-дидактик бадиий асарларнинг предмети дин бўлиб, улар классик илоҳиёт илми нуқтаи назаридан эмас, балки ўқитиш ва ўрганиш нуқтаи назаридан яратилган. Масалан, “Киссаси Рабғузий” (Насируддин Бурҳониддин Рабғузий, 1990) туридаги асарларда диний таълим амалиётини аналитик, тавсифли тарзда тасвирлашга ҳамда аралашув учун мақсадли нуқталар кўрсатишга ҳаракат қилинади. Ислом таълимоти тажрибалари ва шу асосда талабарни тавсифлаш ва унга мақсадли қўшилишини таъминлаш ўқувчининг тезроқ ва аниқроқ англаш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Диний-дидактик асарларда, шунингдек, динни ўқитиш ва ўрганишни амалда такомиллаштириш мақсадларини ҳам кўриш мумкин.

Айтиш керакки, дин диний дидактиканинг предмети бўлиб, дидактика эса, мавзуни қандай қабул қилишни тасвирлайди. Диний-дидактик асардан мақсад китобхонни диннинг асарда илгари сурилган таълимига боғланишини таъминлаш, руҳият, тафаккурни шакллантириш, бу ҳақда бошқаларга нафақат маълумот бера олиш, балки жамият орасида ўзаро мулоқотга кириша олиш қобилиятини таъминлашдан иборатdir (Кристофф Бизер, 2002).

Диний-дидактик асарларга ислом таълимотини ўрганишда назария ва амалиётга киришишнинг бирламчи босқичи сифатида қаралган (М.Рахмонова, 2004). Шу сабабли улар енгил ва содда тилда, тушунарли, аниқ воеа-ходисаларга асосланиб, мураккаб бўлмаган сюжетлар ва иложи борича таникли қаҳрамонларга суюниб яратилган. Бу эса ўз навбатида ўқиши ва ўрганишни давом эттириш истагини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этган. Шундай қилиб, диний-дидактика диний таълимотни ўқитиш ва ўрганиш жараёнига хизмат қиласди.

Мумтоз адабиётимиз тарихида диний-дидактик асар яратишида муаллифларнинг уч хил ёндашувда бўлганларини кузатиш мумкин. Булар: диний тарихни ифодаловчи асарлар (тазкиралар мазкур ёндашувнинг энг йирик жанрларидан биридир); диний таълимотни ифодаловчи асарлар (бу ёндашувда диний, тасаввуфий ва фалсафий руҳда яратилган кўплаб достонлар мавжуд); диний тартиботни ифодаловчи асарлар (мазкур йўналишга адаиётимиз тарихида яратилган

кўплаб қиссаларни мисол келтириш мумкин). Ўзбек адабиёти тарихида ҳар учала ёндашувга хос кўплаб асарлар яратилган.

Диний-фалсафий мотивлар ўзбек мумтоз адабиёти тарихида ислом фалсафаси билан боғлиқ равища вужудга келган. Мумтоз адабиёт тарихидаги асосий кўпчилик асарларда илоҳиёт, гайб илми, нубувват ва кавниёт каби ислом ақидасининг энг муҳим масалаларига албатта муносабат билдирилди. Мумтоз асарларнинг барчасида муқаддима ва хотима қисмлари, баъзан боблар охирида ақоидга оид фалсафий хulosаларга дуч келиш мумкин. Шунингдек, асарларнинг умумий мазмунида эса ислом фалсафасининг қатор мактаблари ғоялари ўз аксини топади. Масалан, илк ўрта асрларда яратилган асарларда мўътазилийлар таълимотининг етакчи ғоялари бўлган адолат (араб. ал-адл), яъни илоҳий адолат инсон иродаси эркинлиги; Аллохнинг фақат энг яхшисини (ал-аслаҳ) яратишга қодирлиги ва у яратган нарсаларнинг абадий тартибини бузиш мумкин эмаслиги тасдиқланган нарсага амр ва қоралангтан нарсадан қайтарилиш (ал-амр билмаъруф ваннаҳй анилмункар): яъни мусулмон ҳар қандай восита билан яхшиликнинг ғалабасига ҳисса қўшиши ва ёмонлик билан курашиши шартлиги каби масалаларга ҳам дуч келиш мумкин (Т.Ибрагим, 1991). Ёки IX–XII асрларда Ал-Киндий, Ал-Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд каби мутафаккирлар яратган асарлар таъсирида ислом таълимотини юонон фалсафаси методлари билан ўрганиш асосида юзака келган қарашлар таъсирида яратилган адабий асарларда олам ва одам борлиғи, моҳияти, мақсад ва вазифалари юзасидан кўплаб сюжетлар, фалсафий мулоҳазалар ва хulosалар яратилган. Масалан, Ибн Синонинг “Хайй ибн Яқзон”, “Донишнома”, “Саломон ва Ибсол”, “Юсуф қиссаси”, “Рисолат ат-тайр” (Қуш рисоласи) каби асарларида ислом таълимоти фалсафий мотивларда ўз ифодасини топади (Abu Ali ibn Sino, 2008). Худди шу каби, Форобийнинг ислом таълимотига асосланган адолатли давлат, жамият, ҳокимият, сиёsat ва одил раҳбарлар ҳақидаги асарларида диний-фалсафий мотивлар кейинги даврлар туркий адабиёт тарихида яратилган кўплаб асарларда ўз аксини топган (Абу Наср Форобий, 1993).

XI–XII асрларга келиб ислом таълимотини фалсафий илмий-назарий ўрганиш илмий-амалий тасаввуфий ёндашувлар билан алмаша бошлади. Тасаввуфий қарашлар бутун ислом оламида,

жумладан, Марказий Осиёда кенг тарқалди (Хожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ, 2005). Тасаввуфий мотивлар, мавзулар ва образлар туркий ислом маданияти, биринчи навбатда, адабиёт, шеърият томонидан кенг ўзлаштирилди ва тасаввуфнинг ҳаётий, илмий-фалсафий ва диний тафаккур тарзи сифатида ривожига кучли таъсир кўрсатди.

Тасаввуф адабиёти мусулмон фалсафий гояларини бадиий ифодаловчи, унинг энг кичик тушунчаларидан энг катта маъноларигача, ҳаёт заруриятларидан, тасаввур имкониятларигача ифодаловчи ва тарғиб қилувчи насрой ва назм асарларни қамраб олади. Тасаввуфий маъно ташувчи асарларда бадиий элементлар нухоятда хилма-хил, айни вақтда илоҳиётнинг чукур фалсафий ифодасига тўйинганлиги билан ажраби туради. Шунга кўра Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф тасаввуфга таъриф берар экан “Тасаввуф нафсни ахлоқий жихатдан тараққий эттирадиган ҳаётий фалсафа бўлиб, у муайян амалий риёзат воситасида ҳақиқатга айланади ва баъзи вақтларда олий ҳақиқатга сингиш хиссига олиб боради. Шунингдек, ундан завқ ва акл или маърифат ҳосил қилишга олиб боради” деб таъкидлаган (Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, Тасаввуф ҳақида тасаввур, 2016).

Тасаввуф ягона яратгувчига муҳаббатнинг энг юксак ифодаси назарияси ва амалиётини ишлаб чиқди, инсоннинг икки кутб – “ажралиш” ва “бирлашиш” ўртасидаги ҳаётида кечувчи жараёнларни назарий ва амалий, айни вақтда илмий-фалсафий нуқтаи назардан очиб берди (Е.Бертельс, 1965).

Бирок тасаввуфнинг IX–XII асрларда юзага келган неоплатонизм деб аталувчи ислом фалсафасидан фарқли жиҳати шунда эдики, у ўзида ислом таълимотида вужудга келган ҳаётний талаблар ҳамда илми калом, ҳадисшунослик, фикхшунослик каби кўплаб илмий йўналишларни бирлашириди, жумладан исломнинг фалсафий англаш моҳиятини ҳам ўзлашириди. Шунга кўра, бадиий адабиётнинг тасаввуфий мазмундаги диний фалсафий ифодаларида метафора, тимсол ва мотивларнинг жонли инсон кечинмалари образларидаги ифодаси энг кўзга кўринган сўфий шоиrlар (масалан, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Бокирғоний, Нажмиддин Кубро) ижодига ўзига хос жозиба бағишлиб, инсон шахсиятининг психологик терапиилиги ва инсонпарварлик идеализациясини нафакат назарий, балки амалий асослаб берди. Тасаввуф адабиёти энг яхши

шеърий намуналарининг юксак ғоявий-бадиий аҳамияти уларда рамзий поэтиканинг бутун тизими ривож топганидадир (Н.Комилов, 2005). Фалсафий мушоҳадага ундовчи шеърий метафора қонунларига кўра, тасаввуфий мотивлар икки томонлама қайта фикрлашга олиб боради: дастлаб натуралистик ва кейин фалсафий тасвир ва тасаввур. Бунда натуралистик аниқ тасвирлар ҳаётий борлик ифодаси ва охир оқибатда илоҳий борлиқни англаш қалити вазифасини бажаради ва тасаввурни шакллантиришга хизмат қиласи (Н.Комилов, 1996). Тасаввурнинг юксак даражаси эса ҳақиқатни англаш ва унга етишиш билан белгиланади. Ўзбек адабиёти тарихида худди мана шу мотивда яратилган кўплаб асарларга дуч келиш мумкин.

Диний-ахлоқий мотивлар нуқтаи назаридан айтганда ислом анъаналарининг жамият ва шахсий маданий, ахлоқий ҳаётидаги ўрнини тушунмасдан туриб, мусулмон ҳалқларининг, шу жумладан ўзбек ҳалқининг менталитетини тушуниш қийин. Шу туфайли ўзбек адабиёти тарихида диний-ахлоқий мотивлар ҳамиша етакчи аҳамият қасб этган. Мумтоз асарларнинг деярли барчасида маълум бир қадриятлар тизими, хусусан, диний-ахлоқий тамойилларни англашишга эътибор қаратилади. Айни вақтда ислом динлар орасида энг бой ахлоқий салоҳият, маънавий маданият, тарихий, ижтимоий, фалсафий, педагогик ва психологик билимлар манбай саналади. Ислом яхлит ҳаёт майдони, яшашнинг маҳсус модели бўлгани каби, бадиий адабиётда диний-ахлоқий мотивлар ижоднинг ажралмас қисми сифатида шаклланган. Ўзбек адабиётшунослигига диний-ахлоқий мотивлар, уларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни, динамикаси ва классификацияси, дин ва миллий хусусиятлар етарлича ўрганилмаган, шунинг учун бу масала кўшимча тадқиқотларни талаб қиласи. Ислом ижтимоий хулқ-атворни тартибга солиши омили сифатида индивидуал ва умумий хулқ-атворнинг турли томонларига таъсир қиласи. Шунга кўра бадиий адабиётдаги диний-ахлоқий мотивлар жамиятни инсонпарварлаштириш, яъни унинг ҳаётининг барча кўринишларида инсон мавжудлигини маънавий ва ахлоқий асосда тасдиқлаш масаласидир (И.Галинская, 2001). Ислом ва адабиёт мақсадлари мана шу нуқтада бирлашиди.

Мумтоз адабий меросимизда, юкорида айтилгани каби хилма-хил диний-ахлоқий мотивларга дуч келиш мумкин. Беғаразлиқ, холислик,

саҳийлик, меҳрибонлик, муомалалик, мардлик, камтарлик, поклик, ҳалоллик, эзгулик ва ҳоказо. Замонавий давлатчилика буларнинг деярли барчаси тӯғрисида хуқуқий меъёрлар мавжуд. Масалан, хуқуқий меъёр сифатида бегаразлик (хайрия) мол-мулкни фуқаролар ёки юридик шахсларга бегараз (қайтим кутмасдан) беришни англатади. Бунда, шу жумладан, пул бериш, ишларни манфаатсиз бажариш, хизматлар кўрсатиш ва бошқалар бўйича ихтиёрий фаолият тушунилади (М.Надеева, 2011). Хуқуқий аҳамиятга эга бўлган худди шу маънони дин эътиқод, адабиёт эса ахлоқ сифатида талқин этади ва диний-ахлоқий мотивлар буни ихтиёрий ўзлаштиришга қаратилган ҳаётий-хуқуқий меъёр сифатида тавсия этади.

Куръон ва ҳадисларда, шунингдек, мумтоз адабий асарларимизда инсоннинг эзгу ахлоқий фазилатлари батафсил таърифланади. Исломнинг ахлоқий жиҳати будиннинг генгмуҳим жиҳатларидан биридир. Шунга кўра адабий асарлардаги диний-ахлоқий мотивлар исломнинг барча мафкуравий тамойиллари (жумладан, ғоявий ҳаётга оид диний тавсиялар) асосида инсон – мусулмонни диний ва ахлоқий юксалтириш, айни вақтда, хуқуқ ва эркинликлари чегараларини аниқлаш масаласидир. Бунга мувофиқ равища мусулмон илоҳиёти таркибида анъанавий равища тўрт масала ажратилади (Р.Садыков, 2012): ибодатлар, муҳлиқот, мунжиёт (нажот йўллари). Ибодат ақида ва хуқуқ асосларини камраб олади, одамларнинг Аллоҳга муносабатини белгилайди. Қолган уч масала – ислом илоҳиётининг ахлоқий қисми – одамларнинг бир-бирига муносабати қоидалари, мусулмонларнинг шахсий, оиласий ва ижтимоий ахлоқи масалаларини камраб олади. Қуръони каримда ҳам инсон ва бошқа махлуқотларга эзгулик кўрсатиш ва бунда ахлоқли бўлиш мўмин кишидан қилинадиган устувор талаблардан биридир: “**Юзларингизни Машриқ ва Мағриб томонларига буриб** (ибодат қилингизни ўзи тўла) **яхшилик эмас, балки Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобга ва пайғамбарларга имон келтирган, ўзи яхши кўрган молидан қариндошлирага, етимларга, мискинларга, йўловчига, тиланчиларга ва қулларни озод қилиш йўлида берадиган, намозни тўқис адо этиб, закотни тўлаб юрадиган киши ва келишилган аҳдларига вафо қилувчилар, шунингдек оғир-енгил кунларда ва жанг пайтида сабр қилувчилар энг яхши**

кишилардир. Айнан ўшалар (имонларида) содиқдирлар ва айнан ўшалар тақвадордирлар” (Абдулазиз Мансур таржимаси, 2001).

Ислом таълимотида шариат жуда хилманихил ҳодиса, дин, ахлоқ ва хуқукнинг ўзига хос учрашув нуқтасидир. Ислом дини ҳам эътиқод, ҳам ҳаёт тарзи, дейишса, бундай синтез айнан шариатда мужассамланган ва адабиёт ҳаёт тарзини тасвиirlар экан албатта унинг хусусиятларини эътиборда тутади. Қолаверса, шариат мусулмоннинг ҳар бир қадамини энг кичик нуқтасигача тартибга солади. Унинг моҳияти одамни ўрнатилган тартиб-интизомга бир марта бўйсундиришда эмас, балки у ёки бу вазиятга баҳо бериш ва унда ўз манфаатларини, бошқа одамларнинг эҳтиёжларини унутмасдан, мусулмонча харакат килишга ўргатишадир. Адабиётдаги диний-ахлоқий мотивлар эса буни хис ва акл билан англашга ёрдам беради.

Диний-хуқуқий мотивлар мумтоз ўзбек адабиётида оддий мусулмончилик тартиб-қоидаларини ҳаёт, турмуш тарзи сифатида талқин этувчи ранг-баранг сюжетлар билан содда ифодалаш шаклида кенг тарқалган ҳодисадир. Ислом таълимотининг дин ва имон шартларидан ташқари инсон хуқуки, яъни инсон бурчлари, эркинликлари ва мажбуриятларини ифодаловчи кўплаб меъёрий нормалари бадиий адабиётда тарбиянинг муҳим жиҳатлари сифатида чукур акс этади. Булар шахснинг вазифалари сифатида талқин этилади (Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф, 2017)

1) Аллоҳ таоло олдидағи имон амрларини бажариш;

2) Аллоҳ таоло ва ўз виждони олдида ўз-ўзини англаш;

3) оила ва ота-она олдидағи фарзандлик бурчи, шунингдек, ўз фарзандлари олдидағи ота-оналик вазифаларини вижданан бажариш;

4) давлат ва ҳалқ олдида – фуқаролик бурчини ва жамиятни сақлаш учун зарур бўлган бошқа талабларга риоя қилиш;

5) бутун инсоният олдида эзгуликка бурчдорликни англаш.

Диний хуқуқ ҳар бир кишига бу фарзларни билиш ва уларга риоя қилишни буоради (Абдулазиз Мансур таржимаси, 2001). Адабиёт эса, бу масалаларни насрой ёки назмий шаклларда янада хиссиётли ифодалашга йўналтиради. Такво хуқуқни Аллоҳга, қиёмат кунига, фаришталарига, китобга ва пайғамбарларга имон келтириш билан

белгиласа, адабиёт уни ҳаётй зарурият сифатида, айни вақтда, муҳаббат билан амалга оширишга тарғиб этади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, мусулмонлар учун хулқ-атвор қоидалари хукмлар шаклидаги хукуқ ва мажбуриятлардан иборат бўлиб, шариат уларни тўрт турга, яъни Аллоҳнинг ҳақлари, шахснинг хукуқлари, бошқа одамларнинг хукуқлари ва барча мавжудотларнинг хукуқларига ажратади (А.Рахманов, 2007).

Аллоҳнинг ҳақлари инсоннинг ёлғиз унга ишониши, унинг ҳидоятини чин юракдан қабул қилиши, ҳалол ва холис ибодат қилиши ва унга итоат қилишини талаб этади;

Шахснинг хукуқларида эса, шариат инсоннинг жисмоний, ахлоқий ва руҳий ҳолатига таҳдид соладиган барча нарсаларни тақиқлади. Аллоҳ таоло инсонга маълум бир вақтни ишониб топширган ва у ундан энг яхши тарзда фойдаланиши, ўз ҳоҳишига кўра уни йўқ килмаслиги кераклиги белгиланади;

Жамият (бошқалар) хукуқларига кўра шариат инсонга шахсий хукуқларига риоя қилиши асосида бошқа одамларнинг хукуқларини бузмасликни шарт қилиб қўяди (Саҳихи Бухорий, 2008). Шунинг учун бўлса керак, адабиёт инсонга мурожаат қиласа экан, унинг шаръий хукуки билан боғлиқ масалаларга кенгроқ эътибор қаратади. Ёлғончилик, ўғирлик, фирибгарлик, тухмат, қимор, чайқовчилик каби бошқаларга зарар келтиришнинг барча турлари тақиқланади. Котиллик, зарар етказиш, вайрон қилиш жиноят ҳисобланади, зино қилиш қатъиян ман этилади. Мусулмонлар бошқаларнинг хис-туйғуларини ҳурмат қилишлари, ҳақоратли сўзлардан қочишлиари, бир-бирларига ёрдам беришлари ва қўллаб-куватлашлари, ночор, етим ва беваларга ёрдам беришлари, очларни тўйдиришлари, бошпанасизларни ўз ҳимоялари остига олишлари керак. Мусулмон ғайримусулмон билан муносабатда муросасозлик, тинчлик ва дўстлик йўлида бўлиши зарур.

Инсоннинг мавжудотларга нисбатан муносабати юзасидан белгиланган хукуқлари тўғрисида қисқача айтганда, Аллоҳ таоло инсонга ўзининг сон-саноқсиз мавжудотлари устидан ҳукм қилиш ва улардан ўз манфаати учун фойдаланиш ҳукукини берди. Бу ҳукуқ кўплаб шариат аҳкомларида муҳрланган. Мисол учун, ҳайвонларни озиқ-овқат учун ўлдириш мумкин, лекин уларни кўнгил эрмаги, ўйин-

кулги, спорт тадбири ёки шунга ўхшаш бошқа сабаблар асосида ўлдириш тақиқланади. Исломда ҳатто ҳавфли жонворларни ўлдиришга фақат инсон ҳаётiga ҳавф мавжуд бўлган шароитда рухсат берилади, шунингдек, жонворларни оч колдириш, қийнокка солиш тақиқланади. Бу қоида қушларга нисбатан ҳам ҳукм қилинган. Дараҳтларнинг бехуда кесиш, сувни исрофли ишлатиш, тупроқни ифлослантириш кабиларга ҳам шариатда хукмлар белгиланган. Шариат мусулмонларга дунёвий ҳаёт кечиравчи инсонлар сифатида қараганлиги туфайли унинг мақсад ва кўрсатмалари орасида диний-хукукий мезонлар инсон маданиятини олдиндан белгилаб берувчи, унинг “ер юзидаги” манфаатлари билан уйғунлашган ва хукукий нормаларда белгилаб кўйилган кўплаб қоидаларни шакллантирган (А.Рахманов, 2007). Шундай қилиб, диний хукуқ ва маданият инсон манфаатларига хизмат қилиш ва унинг дунёвий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлиб, улар кўпинча ҳаётй аҳамиятга эга. Айтиш керакки, ҳар бир шариат ҳукми бешта исломий асосий қадриятлардан бири - дин, ҳаёт, ақл, насл ва мулкни сақлаш ва ҳимоя қилишга қаратилгандир ва бунда ҳаёт, насл, мулк бўйича ҳукмлар жонворлар, ўсимликлар ва бошқа жинсларни ҳам камраб олади. Дикқат билан қараганда, бу қадриятларнинг фақат биринчиси инсонга қаратилган шариатнинг тўғридан-тўғри Аллоҳ таолога тегишли ҳақиқатини ифодалайди, қолганлари эса, кўпроқ унинг дунёвий ҳаёти қоидаларини таъкидлайди. Шариат инсонга зарар келтирадиган ҳамма нарсани ҳаром килади, фойдали ва одамлар манфаати учун бўлган нарсага рухсат беради. Шариатнинг асосий тамойили шундан иборатки, инсон ўз эҳтиёжлари ва истакларини қондириш ҳукуқига эга, баъзи ҳолларда эса, бурчлидир. Лекин ҳамма нарсани шундай қилиш керакки, нафақат бошқа одамларга зарар етмаслиги, балки ўз мақсадлари қаторида ўзгалар, яъни ижтимоий манфаатларга ҳам фойдали бўлиши лозим.

Диний-хукукий асос сифатида шариатнинг асосий ёндашуви каттароқ фойда учун кичикроқ зарарни танлаш ва катта заардан қочиши учун кичик яхшиликни қурбон қилишдир. Шунингдек, шариатнинг муҳим бошланғич нуқтаси Аллоҳ таоло томонидан рухсат этилган (мустаҳаб, ҳалол) ва ҳаромни аниқлаш ва инсоннинг барча харакатларида 5 тоифа – фарз, суннат, рухсат этилган (мубоҳ), мақруҳ ва ҳаромни фарқлаш билан белгиланади (Саҳихи Бухорий, 2008).

Шундай килиб, диний-хукукий асослар ҳам, бадиий адабиётдаги мотивлар ҳам мусулмонларнинг диний бурчларини бажариши ва диний қоидаларга риоя килишига қўмаклашишни мақсад қилиб қўяди. Диний мотивларнинг асосий мақсади дин фалсафаси, ақоиди ва хукмларининг инсон томонидан эътиборли воқелик, хикмат ва тажриба асосида ўзлаштирилишига эришиш, уни қуруқ қоидалар билан боғлаб қўймаслик истаги бўлиб, бу дин амалларини ҳаётий эҳтиёжга боғлаб акс этиришда намоён бўлади. Буни Қуръони каримнинг қуйидаги хукмлари тасдиқлайди: “**Аллоҳ сизларга енгилликни хоҳлайди, сизларга қийинчиликни хоҳламайди**” (Абдулазиз Мансур таржимаси, 2001:28); “**Аллоҳ ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари нарсани таклиф этмайди**” (Абдулазиз Мансур таржимаси, 2001:49).

Диний қоидалар инсонларнинг ўз-ўzlари ва ўзгаларнинг манфаатларига зарар етмаслигини таъминлашга қаратилганлиги билан адолат мезони вазифасини бажаради. Бу Қуръонда аниқ ифодаланган қуйидагилар каби адолат ғояси билан чамбарчас боғлик:

“**Ҳақни ноҳақлик билан қориштирмангиз ҳамда билиб туриб, ҳақиқатни яширмангиз**” (Абдулазиз Мансур таржимаси, 2001:7), “**Гапирганингизда (гувоҳ сифатида) гарчи қариндошингиз бўлса ҳам, адолатли бўлинг**” (Абдулазиз Мансур таржимаси, 2001:149), “**Биз пайғамбарларимизни хужжат (мўъжиза)лар билан юбордик ва улар билан бирга Китоб ҳамда одамлар адолатни барпо қилишлари учун мезон (тарози) туширдик**” (Абдулазиз Мансур таржимаси, 2001:547).

Шу каби, Қуръон ва ҳадисларда катъий ва турли шаклларда бўлган тенглик ғояси замирида ҳам адолат тамойили ётади. Аслида одамлар ўргасидаги ижтимоий, этник ёки мулкий тафовутлар исломда адолатсизлик ҳисобланаби, у синфий бўлинишларни ҳам тан олмайди. Адолат ва унинг намоён бўлиши амалий ҳаётга мувофиқ равишда бадиий асарларда ҳам қўпдан-қўп ва хилма-хил сюжетлар, эпизодларда намоён бўлади ва диний маданиятни акс этиради.

Бу ўринда биз юқорида таъкидлаганимиз бадиий адабиётдаги диний мотивларнинг кенг устувор йўналишлари, яъни диний-дидактик, диний-фалсафий, диний-ахлоқий, диний-хукукий, диний-маданий умумий гуруҳларининг моҳияти ҳақида фикр юритдик. Лекин бу йўналишларнинг

ҳар бири ўз навбатида таркибий қисмларга бўлинади.

Диний-дидактик мотивларда яратилган асарлар кўзланган мақсадга кўра таълим, тарбия, қўнишка, малака масалаларини акс этириш характерига эга. Диний-фалсафий мотивлар эса билим, мушоҳада, тафаккур ва тасаввурга қаратилган таркибий қисмларга бўлинади. Диний-ахлоқий мотивларда қадрият, этика, эстетика, психологик хусусиятлар устуворлиги кўзга ташланади. Диний-хукукий мотивларда эса ислом ва имон шартлари, Қуръон ва ҳадислар маънолари, мусулмон бурчлари, эркинликлари ва мажбуриятларига ургу берилишини кўриш мумкин. Диний-маданий мотивларни дин ва давлат, дин ва ҳукмдор, дин ва бошқарув, дин ва жамият, дин ва маданий урф-одатлар тавсифига оид таркибий қисмларга бўлиш мумкин. Мумтоз адабиётимизда бу таркибий қисмларнинг ҳар бир йўналишида кўплаб асарлар яратилган.

Шуни ҳам айтиш лозимки, мазкур диний мотивларга мумтоз бадиий асарларда мотивлар, адабий жанрлар ва бадиий санъатлар нуқтаи назаридан баъзан аралаш тарзда, баъзан эса, маҳсус эътибор қаратилган ҳолда ёндашилганини кўриш мумкин. Шунга кўра адабий жанрларни мотивлар асосида туркумларларга ажратиш нисбий ёндашув ҳисобланади. Масалан, диний-дидактик мотивлар адабий жанрлар орасида кўпроқ назмий, насрый ёки насрү назм шаклидаги қиссалар, достонлар, ривоят ва хикоятлар, адабий-тариҳий асарлар, тазкира ва маноқибларга хос. Лекин бошқа жанрларни ҳам мазкур мотивлардан холи деб бўлмайди. Ёки диний-фалсафий мотивлар кенг мазмунда кўпроқ насрый ва эпик асарларда ифодаланади, айни вақтда, лирикани ҳам бу мотивга оид қарашлардан холи тасаввур килиб бўлмайди.

Бундан ташқари, диний мотивларни бадиий асарларнинг асосий сюжети ёки мақсадидан келиб чиқиб хилма-хил қаҳрамонлар ва хусусиятларга кўра ҳам гуруҳлаштириш мумкин. Масалан, илоҳий муҳаббат, қаҳрамонлик, адолат, чексиз сабр-матонат, садоқат, меҳр-муруват, ҳиммат ва бошқа ижобий хусусиятлар, айни вақтда турли-туман салбий хусусиятлар ҳам кўпинча бадиий асардаги диний мотивнинг етакчи хусусияти сифатида намоён бўлади.

Мумтоз бадиий адабиётда акс этиган диний мотивлар ранг-баранг насрый, эпик ёки лирик жанрларга бирдек тегишли ходисадир. Улар

Куръон ва ҳадислар мазмун-моҳияти, диний ақидалар, фикхий масалалар, пайғамбарлар, ҳукмдорлар, машҳур шахслар ва уларнинг фаолияти, таълимотлари ва қарашлари, диний-илоҳий ва диний-дунёвий муносабатлар, инсоннинг руҳий кечинмалари тўғрисида образли маълумотлар беради. Бироқ, мумтоз адабиёт тарихи нуқтаи назаридан улар маълум даражада ўрганилган бўлса-да, буни замонавий илм-фан ривожи имкониятларига нисбатан олиб қараганда, етарли татқиқ этилган деб бўлмайди. Аввало диний мотивларнинг ўзи тасниф ва туркумланмаганлиги сабабли уларнинг специфик хусусиятлари, белгилари ва бошқа ўзига хос жиҳатлари юзасидан тадқиқотлар тизимли ривожланмаётгани кўзга ташланади. Шунингдек, диний мотивларга даҳлдор бўлган манбаларда хаётий воқеиликнинг тарихий ижодда акс этиш хусусиятлари, уларнинг сюжет қурилиши, мотив йўналишлари ва уларнинг таркибий қисмлари, образлар тизими ҳам етарлича ўрганилгани йўқ. Бунинг устига диний мотивлар таҳлилига доир илмий ишларни кўздан кечириш шуни кўрсатадики, аксарият тадқиқотларда йўналтирувчи назарий ёки амалий хуласалар ўрнига фактик ёки тарихий далиллаш устуворлиги билан боғлиқ кўпгина баҳсли масалалар мавжуд.

НАТИЖА

Туркий адабиётда диний мотивларнинг кейинги ривожланишида хусусан, тасаввуф шеърияти ва насли муҳим ўрин тутади. Шу асрларда туркий адабиётда диний-дидактик ва тасаввуфий маснавийлар, рубоийлар, китъалар пайдо бўла бошлади, аммо умумий диний мотивлар асосан достонлар ва ҳикматларда ўз ифодасини топди (И.Ҳаққулов, 1990).

Достонларда ҳам, ҳикматларда ҳам инсоний ишқ, Аллоҳга, унинг расулига бўлган муҳаббат билан бир қаторда диний ақоид, каломий, фикхий, урфий ва бошқа диний алокадор масалаларни ёритишнинг асосий бадий жанри сифатида кенг фойдаланилган (Fuad Köprülü, 1976). Кейинги давр туркий адабиётда, XVI асрдан бошлаб ғазалдан олинган шакллар (мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ) ҳам диний мотивларни ифодалашда кенг қўлланилганини кузатишимиз мумкин. Шу давлардан бошлаб диний мотивларни ифодалашда маснавий ва мухаммасдан кенг фойдаланилган. Лекин XVI асрдан то XX асрга қадар бўлган

даврда наср ҳамда насрну назм, услублари диний мотивларни ифодалашнинг асосий жанрларига айланиб борди.

Таъкидлаш лозимки, туркий мумтоз адабиётдаги диний мотивларни ўрганиш борасида турк олимлари томонидан ҳам қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Аммо мазкур мотивларни таснифлаш нуқтаи назаридан, уларнинг турларга бўлиниши, ҳар бир турнинг ўзига хос қонуниятлари ҳақида, афсуски, етарли назарий ишлар кўзга ташланмайди (Eröz Mehmet, 1992).

Ўзбек мумтоз адабиёти тарихида ҳам турли жанрларда яратилган асарларда илгари сурилган диний мотивлар ниҳоятда хилма-хилдир. Мустақиллик даврида улар бир қадар тадқиқ этилди.

Истиқлол даври ўзбек адабиётшунослигига эса, мавзу тадқиқига доир биринчидан, индивидуал даҳлдор, иккинчидан, муайян даражада алокадор тадқиқотлар кузатилади. Бу таркибда Н.Маллаев, Б.Валихўжаев, Н.Комилов, И.Ҳаққулов, Ҳ.Кароматов, Р.Воҳидов, Б.Акрамов, Ш.Сирожиддинов, Д.Салоҳий, М.Муҳиддинов, С.Рафиддинов, О.Давлатов каби олимларнинг ишларини кузатиш мумкин (Ҳ.Кароматов, 1993). Мазкур тадқиқотлар тематик тарзда амалга оширилган бўлиб, адабий манбаларнинг хусусиятларини илмий доира ва келажак тадқиқотлар учун аниқлаштириш мақсадларига хизмат қиласди. Масалан, Ҳ.Кароматовнинг “Куръон ва ўзбек адабиёти” китобида Куръонда мазмуни келтирилган бир қатор қиссаларнинг бадий ижодда ривожлантирилиши, У.Қобуловнинг диссертациясида ўзбек адабиётида нубувват мотиви ва образлари, О.Давлатовнинг “Алишер Навоий шеъриятида Куръон оятлари ва ҳадисларнинг бадий талқини” номли тадқиқотида Навоий шеъриятида исломий матнларнинг қўлланилиш усувлари, айнан ва шакли ўзгаририлган оят ва ҳадислар, наслий асарлардаги шеърий парчаларда илоҳий ва набавий ҳикматлар, исломий ғояларнинг шоирона таҳлили, Куръон оятлари ва ҳадислар мазмунини шеърий санъатлар билан ифодалаш усувлари, талмех, ишора санъатлари ва куръоний образлар, оят ва ҳадисларнинг шоирона таржима ва талқини, сўфиёна ҳикоятларда оят ва ҳадислар, Муҳаммад (с.а.в.)нинг сиймоси тадқиқ этилади (О.Давлатов, 2017). Айтиш керакки, бунда ҳар бир тадқиқот ўз индивидуал методига эга ва диний мотивларни тадқиқ этиш методологияси нуқтаи назаридан тизимли хусусият касб этмайди. Бадий адабиёт

ижтимоий аҳамиятга эга бўлгани каби, унинг талқинлари ҳам ижтимоий таъсир аҳамиятини касб этиши лозим. Бунда бадиий асар мазмунини тадқиқ этишда адабий ва диний талқин умумлаштирилиши талаб этилади.

Бу жиҳатдан айтиш лозимки бадиий асарлардаги диний мотивлар ўзига хос турларга бўлинади. Ҳар бир турни ўрганишнинг ўзига хос методлари мавжуд бўлиб, бусиз бадиий ижод намунасининг кўзда тутилган жамият тафаккурига таъсир моҳиятини ойдинлаштириб бўлмайди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, диний-дидактик мотивлар абдиётимиз тарихида яратилган катта ҳажмдаги манбаларни қамраб олар экан уни ўрганишда қуидаги масалаларга эътибор қартилиши лозим деб ўйлаймиз:

Биринчидан, илмий-назарий жиҳатдан бадиий адабиётдаги диний мотивларни мақсад ва вазифалари, обьекти, предмети, устувор йўналишлари, таркибий қисмлари, ўрганиш методлари, ижтимоий табиати, тутган ўрни, аҳамияти, ғоялари, функционал ўрни, қонуниятлари, ифода услубияти, аниқлаш мезонлари, умумий тамойиллари, маънавият, эътиқод, руҳий таассуротлар, тафаккур тарзи, ахлоқий нормалар, ижтимоий анъаналар ва мақсадлар, бошқарув муносабатларида тутган аҳамияти ва бошқа жиҳатлардан чуқур тадқиқ этиш ва бу борада тадқиқот ишларини кўпайтириш зарурияти мавжуд.

Иккинчидан, ўзбек адабиёти тарихини ўрганувчи курслар ўкув дастурлари доирасида ислом тарихи, ҳадисшунослик ва фикҳ асосларининг тизимли ўқитилиши, мазкур масалаларни кенг ўқитишга қаратилган мустакил фан дастурлари ишлаб чиқилиши ва амалга татбиқ этилиши лозим ва бу мумтоз адабиётни чуқурроқ ўрганиш ва диний мотивларни кенгроқ англашга ёрдам беради.

Учинчидан, диний мотивларни илгари сурган бадиий асарлар ёки уларнинг жузъий қисмлари тадқиқ ва таҳлилларида мазкур мотивларда эътибор қаратилган асосий маъно ва мазмунга керакли тарзда изоҳ, шарҳлар бериш ёки мумтоз манбаларни нашр этиш жараёнларида бундай ёндашувни анъанага айлантириш, жамиятнинг мумтоз манбаларга эътиборини оширишда катта аҳамият касб этади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Eröz Mehmet. (1992). *Eski Türk Dini(Gök Tanrı İnhancı) ve Alevilik Bektaşılık*. İstanbul: İstanbul.
2. M. Fuad Köprülü. (1976). *Türk edebiyatında ilk mutasavviflar*. <https://www.profrosmanegri.com>: Fuad-Koprulu.
3. Abu Ali ibn Sino. (2008). <https://ziyouz.uz/jahon-nasri>. <https://ziyouz.uz.dan tiklangan>
4. Абдулазиз Мансур таржимаси. (2001). *Қуръони карим*. Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти.
5. Абу Наср Форобий. (1993). *Фозил одамлар шаҳри*. Тошкент: А Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти.
6. Е.Э.Бертельс. (1965). *Избранные труды: суфизм и суфийская литература*. Москва: Наука.
7. Б.Валихўжаев. (1993). *Ўзбек адабиётшунослиги тарихи*. Тошкент: Ўзбекистон.
8. Р.Воҳидов. (1994). *Алишер Навоий ва илоҳиёт*. Бухоро: Бухоро.
9. И.Галинская. (2001). *Литература и философия: проблемы взаимодействия*. Казан: Наука.
10. З.Гаффорова. (2001). *Навоининг ҳамд ва наът газаллари*. Тошкент: Маънавият.
11. О.Давлатов. (2017). *Навоий шеъриятида Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг бадиий талқини*. Самарқанд: Самарқанд.
12. Т.Ибрагим. (1991). *Ал-Мұтазила*. Москва: Наука.
13. Ҳ.Кароматов. (1993). *Қуръон ва ўзбек адабиёти*. Тошкент: Фан.
14. Н.Комилов. (1996). *Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи*. 1-китоб. Тошкент: Ёзувчи.
15. Н.Комилов (2005). *Хизр чашмаси*. Тошкент: Маънавият.
16. Кристоф Бизер. (2002). *Дидактика религии*. Нойкирхен: Флюин.
17. У.Қобилов. (2019). *Ўзбек адабиётида нубувват мотиви ва образлари талқини (XIV-XV асрлар) фан доктори (DSc) диссертацияси*, (б. 283). Самарқанд: Самарқанд.
18. Қўлланма. (2018). *Адабиётшунослик фанидан ўқув кўлланма*. Тошкент: ЎзДЖТУ.
19. Қуръони карим (Абдулазиз Мансур тарж.). (2001). *Қуръони карим*. Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти.
20. Н.Маллаев. (1965). *Ўзбек адабиёти тарихи*. Тошкент: Ўқитувчи.
21. М.И.Надеева. (2011). *Духовные ценности ислама*. Казан: КНИТУ.
22. Насируддин Бурҳониддин Рабғузий. (1990). *Қисаси Рабғузий*. 1-китоб. Тошкент: Ёзувчи.

23. А.Рахманов. (2007). *Ислом ҳуқуқи*. Тошкент: ТДЮИ.
24. М.Раҳмонова. (2004). Ўзбек халқ тарихий афсоналарининг ўзига хос хусусиятлари, генезиси ва таснифи. Тошкент.
25. Р.Садыков. (2012). *Основы исламской теологии: монография*. Уфа: Изд-во БГПУ.
26. Саҳиҳи Бухорий. (2008). *Саҳиҳи Бухорий, Ікитоб*. Тошкент: Ўзбекистон миллӣй энциклопедияси.
27. И.Ҳаққулов. (1990). *Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар*. Тошкент: F.Ғулом.
28. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. (2005). *Марказий Осиёда ислом маданияти*. Тошкент: Шарқ.
29. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. (2016). *Тасаввув ҳақида тасаввур*. Тошкент: Ҳилол-нашр.
30. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. (2017). *Ислом тарихи 1-2 китоблар*. Тошкент: NIOL NASHR.
31. З.Шоев. (2011). *Учение монотеистических религий о пророчестве и его развитие в исламе*. Канд. дисс. по филос. наук. Душанбе.

